

Мусулмон Шарки эпик поэзияси тарихи хамсачилик анъанаси билан чамбарчас боглик. Даставвал XII асрда вужудга келган хамса жанри саккиз асрға якин вакт давомида юзлаб жавоб достонларга эга бўлди. Шарқ адабиётида биринчи бўлиб “Хамса” ёзган шахс буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийдир. У 1170-1204 йиллар оралигига бирин-кетин 5 та достон яратди, бу достонлар шоир вафотидан сўнг яхлит бир тўпламга бирлаштирилиб, “Панж ганж” (“Беш хазина”) деб атала бошланди ва кейинчалик хамса номи билан машхур бўлди.

Низомий бешлигидаги биринчи достон “Махзану-л-асрор” (“Сирлар хазинаси”) деб аталиб, 1170 йилда яратилган. Низомий бу достонини газнавийлар хукмдори Бахромшоҳ (XII аср)га багишлайди. “Махзану-л-асрор”нинг вужудга келишида XII аср классиги Хаким Саноий “Хадикату-л-хакойик” (“Хакикатлар боги”) достонининг таъсири бор. Умуман, мусулмон Шаркида фалсафий-дидактик йўналишдаги достонларнинг ибтидоси хам бевосита шу достон билан болнади.

Низомий бешлигидаги иккинчи достон “Хусрав ва Ширин” деб аталиб, тахминан 1181 йилда ёзиб тугалланган. Шоир бу достонини салжукий хукмдор Тўгрул II (1174-1194) топширигига кўра яратади. “Лайли ва Мажнун” достони эса 1188-89 йилларда Ширвоншоҳ Акситан II топширигига кўра яратилади.

Низомий бешлигидаги тўртинчи достон “Хафт пайкар” (“Етти гўзал”) 1196 йилда ёзиб тугалланади. Достон 4600 байтдан иборат бўлиб, хукмдор Алоуддин Кўрпа Арслон (1174-1207) топшириги билан яратилган. “Хафт пайкар” асосий воеа ва унга илова килинган 7 та колипловчи хикоятлардан иборат.

Низомий бешлигидаги сўнгги – бешинчи достон “Искандарнома” деб аталиб, икки кисм: “Шарафнома” ва “Икболнома”дан иборат. Достон хажми 10000 байтдан ортикрок. Достоннинг аник кайси йилда яратилганлиги маълум эмас, адабиётларда унинг 1197 йилдан кейин ёзилганлиги хакида баъзи кайдлар учрайди.

Низомий бешлиги яратилгандан кейин орадан бир аср вакт ўтиб, Хусрав Дехлавий (1253–1325) унга жавоб ёзди ва шу билан хамсанавислик анъанасини бошлаб берди. У 1299-1301- йилларда "Матлаъу-л-анвор" ("Нурларнинг бошланмаси"), "Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли", "Хашт бехишт" ("Саккиз жаннат"), "Ойинайи Искандарий" ("Искандар ойнаси") достонларини яратиб, Низомий ишини давом эттириди ва натижада адабиётда хамсачилик анъанаси пайдо бўлди.

Дехлавийдан кейин бу анъана бутун Шарк дунёсига таркалди ва жуда кўп халкларда Низомий достонлари мавзуси ва сюжети асосида асарлар пайдо бўлди. Озарбайжон олими Г. Алиев жаҳон кутубхоналарида сакланаётган кўлёзма ва манбаларни ўрганиб чикиш асосида Низомий бешлигига муайян тарзда жавоб ёзган 300 га якин ижодкорни аниклади ва улар хакидаги маълумотларни умумлаштириб, "Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока" номли монографиясини яратди.

Хамсанавислик тарихида XV аср Хирот адабий мухити алохида ўрин эгаллайди. Изланишлардан маълум бўлдики, айнан шу давр ва шу мухитнинг ўзида 20 га якин ижодкор хамсанавислика ўз кучларини синаб кўрганлар. Гар чи бу ижодкорларнинг барчаси тўлик хамса яратмаган бўлсалар-да, лекин бешикнинг у ёки бу достонига жавоб ёзиш билан мазкур анъанага ўз муносабатларини билдирганлар.

Бу даврдаги Низомий мавзуларига мурожаат килган ижодкорлар хакида Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” (1498), Давлатшоҳ Самаркандининг “Тазкирату-ш-шуаро” (1486), Хумомиддин Хондамирнинг “Макориму-л-ахлок” асарларида маълумотлар учрайди.

Ижодкорлар гурухини хамсанавислика билдирган муносабатига кўра шартли равища уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Тўлик хамса муаллифлари.
2. “Хамса”нинг баъзи достонларига жавоб ёзган ижодкорлар.

3. Битта достонга жавоб ёзган ижодкорлар.

### ***Тўлик хамса муаллифлари***

#### **Жамолий**

Темур ва Шохрух замонида яшаган бу ижодкорнинг таваллуд ва вафот этган йиллари хакида аник маълумот йўк. Факат Г.Алиев ўзининг “Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока” номли монографиясида унинг бешлиги 1402-1417 йй. оралигига яратилган деган фикрни билдиради.

Жамолий “Хамса”си куйидаги достонлардан иборат:

1. “Тухфат ул-аброр” (“Махзану-л-асрор”га жавоб)
2. “Мехру Нигор” (“Хусрав ва Ширин”га татаббуъ)
3. “Махзун ва Махбуб”. (“Лайли ва Мажнун”га татаббуъ)
4. “Хафт авранг” (“Хафт пайкар”га татаббуъ)
5. Достон номланиши аник эмас. Лекин воқеалар мазмуни ва кўлланилган вазн Низомий

“Искандарнома”сини эслатгани учун уни Низомий бешлигидаги сўнгги достонга жавоб тарзида ёзилган деб хисоблаш мумкин.

### *Ашраф Марогий*

Шохрух замонида яшаганлиги ва 1450 йилда вафот этганлиги маълум. Унинг бешлиги 1428-1444 йй. оралигига яратилган бўлиб, куйидаги достонлардан иборат:

1. “Минхож ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг йўли”, 1428) йилда яратилган. Низомий достонидан бир оз фаркланиб, 21 маколатдан иборат ва уларнинг хар бир бирига иккитадан хикоят илова килинади.
2. “Риёз ул-ошикин” (“Севишганлар боги”, 1432). Баъзи манбаларда “Хусрав ва Ширин” номи билан кўрсатилади
3. “Ишкнома” (“Лайли ва Мажнун”га татаббуъ, 1438)
4. “Хафт авранг” (“Етти тахт”, 1440)
5. “Зафарнома” (1444) йилда яратилган. Номланишдаги ўзгачаликка карамай, воеалар баёни хам, кўлланилган вазн хам “Искандарнома”ни эслатади

Мазкур гурухдаги яна икки ижодкор Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий “Хамса”лари

хакида мавзу сўнгига батафсилрок фикр юритганимиз сабабли бу ўринда уларга тўхтал иб ўтирамаймиз.

### **“Хамса”нинг баъзи достонларига жавоб ёзган ижодкорлар**

#### *Котиби Туршизий*

Бу ижодкорнинг Нишопурдан келганлиги ва 1434 / 36 йй.да Астрободда вафот  
этганлиги хакида  
ўзининг “Навои и Джами” тадқикотида  
маълумот  
келтиради.

Туршизий 10 га якин маснавий-достонлар муаллифи, улардан факат учтаси “Хамса”  
достонларига татаббуъ тарзида вужудга келди:

1. “Гулшан ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг гулшани”).
2. “Лайли ва Мажнун”.
3. “Бахром ва Гуландом”.

*Абдуллоҳ Хотифий*

1445/ 50-1521 йй. оралигига яшаган. Манбаларда Абдурахмон Жомийнинг жияни сифатида тилга олинади. “Хамса”нинг куидаги достонларига жавоб ёзганлиги маълум:

1. “Лайли ва Мажнун”.
2. “Ширин ва Хусрав” (1490)
3. “Хафт манзар” (“Етти манзара”) “Хафт пайкар”га татаббуъ тарзида яратилган.
4. “Темурнома”. “Искандарнома” вазнида битилган бу достон Амир Темурнинг зафарли юришларига багишланган.

Кўринадики, Хотифий достонлари орасида факат “Махзан ул-асрор”га жавоб тарзида ёзилган достон учрамайди.

*Бадриддин Хилолий*

Асли астрободлик бўлган бу ижодкор XV асрнинг 70-йилларида тугилган. 1529 йилда катл этилган. “Хамса” достонларига жавобан ёзилган 2 та достони бор:

1. “Сифат ул-ошикин” (“Махзан ул-асрор”га жавоб)

2. “Лайли ва Мажнун”.

### **Шахобиддин Жомий**

Бу ижодкорнинг тугилган ва вафот этган йиллари хакида аник маълумот йўк. Факат Хондамирнинг “Макорим ул-ахлок”да Шахобиддин Жомийнинг Алишер Навоий маслахатига кўра, “Лайли ва Мажнун” ва “Хусрав ва Ширин” достонларини ёзганлиги хакидаги маълумотига таянадиган бўлсак, муаллифнинг XV асрнинг иккинчи ярмида яшаганлиги маълум бўлади. Шахобиддин Жомийнинг бу икки достони бизгача етиб келмаган ёки халигача топилмаган.

### **Битта достонга жавоб ёзган муаллифлар [\[1\]](#)**

Бу гурухни гоявий йўналишига караб иккига ажратиш мумкин:

1) “Махзан ул-асрор” типида достон ёзган муаллифлар:

Осафий Хиравий, Наргисий, Гиёсиддин Сабзаворий, Фосих Румий, Сайид Косимий.

2) “Лайли ва Мажнун” типида достон ёзган муаллифлар:

Шайхим Сухайлий, Али Охий, Хожа Имод Лорий, Хожа Хасан Хизршох, Заве Козиси.

Хамсачилик тарихида форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдурахмон Жомий (1414-1492) бешлиги алохида ўрин тутади. Жомий ижодкор бўлиш билан бирга сўфий хам эди, бу холат у яратган асарларда хам намоён бўлади. Шаркшунос олим Конраднинг таъбири билан айтганда, “у – шоир, у – файласуф, у – филолог, у – мусикашунос. Лекин шу билан бир каторда у кўпроқ сўфий. Унинг учун борликни англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлик сирлари ва ижод сирлари” (Конрад Н.И. Запад и Восток, 276-бет).

Адабиётшуносликда Жомийнинг “Хамса” ёзган-ёзмаганлиги билан баглик баҳсли фикрлар мавжуд. Айрим адабиётшунослар Жомий достонларига “Хамса” тарзида эмас, балки еттилик –“Хафт авранг” (“Саломон ва Абсол” хамда “Силсилату-з-захаб” достонларини хам кўшган холда) шаклида караш зарурлигини таъкидлайдилар. Лекин Жомийнинг ўзи “Хирадномаи Искандарий” хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атаганлиги учун Жомийни “Хамса” яратган ижодкорлар каторига киритиш тўгрирок бўлади.

Абдурахмон Жомий “Хамса”сининг биринчи достони “Тухфату-л-ахрор” 1481 йилда яратилган. Фалсафий-ахлокий масалаларга багишланган бу достон Низомий “Махзану-л-асрор”ига жавоб тарзида вужудга келди. Достонлар номланишидаги охангдошлиқ, композицион курилишдаги ўхшашлик ва кўлланилган шеърий ўлчов бу фикрни тасдиклайди.

1482-83 йилларда “Хамса”нинг иккинчи достони “Субхату-л-аброр” (“Яхши кишиларнинг тасбехи”) майдонга келди. Анъанага мувофик, хамсанинг иккинчи достони ишкий мавзуга багишланиши керак эди. Лекин Жомий бу ўринда анъанадан бутунлай чекиниб, фалсафий йўналишдаги яна бир достон яратади. Лекин у биринчи достон каби 20 та маколатдан эмас, балки 40 та бўлим – “икд” (тасбех донаси)дан иборат бўлиб, хар бир назарий кисмдан кейин алохида хикоят ва муножот илова килиб борилади.

Абдурахмон Жомий бешлигидаги учинчи достон “Юсуф ва Зулайхо” деб аталиб, 1483 йилда яратилган. Низомий бешлигига бундай мавзу ва сюжетдаги достон учрамайди. Жомий “Хусрав ва Ширин” мавзусидаги анъанавий достон яратишдан воз кечиб, Куръонда “ахсан ул- кисас” – “киссаларнинг сараси” деб таърифланган Юсуф киссаси баёнига багишланган “Юсуф ва Зулайхо” достонини яратади.

Абдурахмон Жомий “Хамса”сидаги тўртинчи достон “Лайли ва Мажнун” мавзусига багишланган бўлиб, 1483 йилда яратилган. “Хамса”даги сўнгги – бешинчи достон “Хирадномаи Искандарий” хам Жомийнинг анъанага риоя этиши билан характерланади. Кўринадики, Абдурахмон Жомий яратган маснавий-достонлар орасида фалсафий йўналишдаги достонлар етакчи ўринда туриши билан характерланар экан.

Форс адабиётида Низомий бешлигига биринчи жавоб битган ижодкор Хусрав Дехлавий бўлса, Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди.

Навоий бешлигига хамсанависликнинг барча шартларига катъий амал килинганлигини кўрамиз. Чунки хамсанавислик анъанасидан бир оз бўлса-да чекиниш, туркий тилда хамсадек буюк асарни ёзиб бўлмайди деган фикрга олиб келиши мумкин эди.

Навоий ўз “Хамса”си мисолида анъанавий шакл доирасида хам янги фикр айта олиш имкониятини, белгилаб берилган шаклларни жилвалантириш усууллари мавжудлигини кўрсатиб бўрди ва унинг бу асари умумжахон адабиётининг юксак чўккиси бўлиб колди. Навоий “Хамса”си аждодларимиз маънавий холатининг кўзгуси бўлиб, унда ўтмиш давр ижтимоий турмуши, халк хаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлок-одоб хакидаги карашлар ўз аксини топган. Навоий “Хамса”си бир-бири билан ич-ичидан мустахкам багланган бешта достонни ўз ичига олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини каламга олади. Мундарижавий достон бўлмиш “Хайрат ул-аброр”да шоир умр, унинг мазмунни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволларни кўйса, кейинги достонларда муайян такдирлар, воеалар мисолида уларга жавоб беришга харакат килади. “Хамса” достонларидаги муқаддималар достонлар вокелигига шунчаки анъанавий кириш кисми бўлмай, балки достонлар мундарижаси учун очкич вазифасини хам ўтайди. Шу маънода муқаддималарда келтирилган фикрларга алоҳида эътибор бериш достонлар тагзаминида яширинган рамзий маъноларни очишга ёрдам беради. Айнан муқаддимада буюк мутафаккирнинг олам ва одам, табиат, кишилик жамияти, умр ва унинг мазмуни хакидаги фалсафий-ахлокий карашлари, ижодкор сифатидаги буюк салохияти у кўллаган бадиий тимсоллар, ташбеҳу тамсиллар воситасида бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг чўккиси бўлган Алишер Навоий “Хамса”си жаҳон адабиётининг ноёб ва ўлмас дурдонасиdir.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдугафуров А. Буюк бешлик сабоклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995.
  2. Хайитметов А. Темурийлар даври адабиёти. – Т.: Фан, 1996.
  3. Исхоков Ё. “Хамса” поэтикасига доир //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1986.-№ 1.
  4. Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.
  5. Валихўжаев Б. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти.-1990.- № 1.
  6. Эркинов А. С. Алишер Навоий “Хамса”си талкинининг XV-XX аср манбалари. Филол.фан.докт.дисс... – Т., 1998.
  7. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйгунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.
  8. Навоийнинг ижод олами (маколалар тўплами). – Т .: Фан, 2001.
-

[1] Аслида бундай номланиш хам нисбий бўлиб, бу ўринда факат бизгача етиб келган достонлар ва улар хакидаги адабиётшуносликда мавжуд маълумотларга таянилди.

Дилнавоз Юсупова